

Инглизбабон мамлакатларда ўзбек тилининг ўрганилиши, тадқиқи қилиниши

Садиқов Омон Бобомуродович

СамИСИ “Тилларни ўқитиш” кафедраси ўқитувчиси

Тел рақами: 94 186 62 77

Электрон почта:rustam_berdiyev1996@mail.ru

Аннотация: Мақолада ўзбек тилининг бугунги кундаги ўрни, мавқеи ҳамда ўзбек тилини ривожлантиришга оид чора –тадбирлар ҳамда инглизбабон мамлакатларда ўзбек тилининг тадқиқ қилинишига доир фикрлар келтириб ўтилган.

Калит сўзлар: жаҳон тилшунослиги, инглизбабон, лингвистик тадқиқотлар, лингвистик таржимашунослик.

Annotation: The article discusses the current role of the Uzbek language and measures for the development of the Uzbek language , as well as the study of the Uzbek language in English –speaking countries.

Keywords:world linguistics , English, linguistic research, linguistic translation studies.

Аннотация: В статье рассматривается актуальная роль узбекского языка и меры по развитию узбекского языка, а также изучение узбекского языка в англоязычных странах.

Ключевые слова : мировая лингвистика, английский язык ,лингвистические исследования,лингвистический перевод.

Мамлакатимизда ўзбек тилининг ўрни ва нуфузини такомиллаштиришга доир чора –тадбирлар ишлаб чиқилмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 21-октябрдаги “Ўзбек тилининг давлат тили” сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисидаги ПФ-5850-сонли [1.] Фармони давлатимизда, қолаверса жаҳон минбарларида ҳам ўзбек тилининг баралла янграши, кўплаб олимларнинг ўзбек тилини ривожлантириш бўйича тадқиқотларнинг яратилишига тўртки бўлмоқда. Ушбу Фармонга биноан давлат тилининг халқаро миқёсдаги ўрни ва нуфузи, унинг бошқа тиллар билан алоқалари, истиқболларини белгилаш, хорижда истиқомат қилувчи ваандошлар ва ўзбек

тилини ўрганиш истагида бўлган чет эл фуқаролари учун ўзбек тил дарсликлари ва электрон дастурларни ишлаб чиқиш, ва уларни кенг миқёсда тарқатиш, ўзбек тилини ўргатиш бўйича махсус курсларни ташкил этиш алоҳида белгилаб берилган.

Ушбу йилда Президентимизнинг 2019 йил 4 октябрдаги “Ўзбекистон Республикасининг “Давлат тили ҳақида”ги Қонунининг қабул қилинганлигининг тўттиз йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида”ги қарори ҳамда 21-октябрдаги “Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисидаги Фармони бунинг ёрқин далилидир. Вазирлар маҳкамасида давлат тилининг нуфузини ошириш, давлат тили тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя қилиниши, соҳага оид муаммоларни таҳлил этиб, бу борада ягона давлат сиёсати амалга оширилишини таъминлаш учун хизмат қилиши шубҳасиздир.

Кейинги йилларда ўзбек тилини ривожлантириш бўйича олиб борилаётган тадқиқотлар жаҳон тилшунослигида ҳам ўз таъсирини ўтказмай қолмади.

Кейинги пайтларда юзага келаётган тадқиқотлар лингвистик тадқиқотлар асосини ташкил этмоқда. Айниқса, бу борада лингвистик таржимашунослик бўйича яратилаётган тадқиқотларда тиллараро амалга оширилаётган жараёнга алоқадор ҳисобланиб, таржима асосида бир тилнинг ривожини, камолотини учун зарурий восита ҳисобланади. Таржима инсоннинг бир тил доирасидаги имкониятларини руёбга чиқаради. Она тилининг мақсад ва вазифаларини оширишга муҳим ўрин эгаллайди.

Таржиманинг мақсади-хорижий тил лисоний воситалари ёрдамида яратилган матнни она тили материали асосида қайта яратишдан иборатдир. Бунинг учун таржимон, биринчи навбатда асл нусхани тўла –тўқис идрок этиши, сўнгра уни ўз тилида беками-кўст қайта ифодалашини даркор. [2.]

Таржима орқали бадиий асарларнинг тил хусусиятлари, шунингдек тилдаги ўрганилиши лозим бўлган муаммоларни бартараф этиш, янгича тадқиқотлар ҳамда изланишлар олиб бориш мақсадга мувофиқдир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1.Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 21 октябрдаги ПФ -5850-сон Фармони

2. Қудрат Мусаев “Таржима назарияси асослари” Фан нашриёти 2005.-
352 б.